

Риёзус солиҳийн шарҳи / Ҳаё ва унинг фазилати ҳамда у билан хулқланишга одатланмоққа тарғиб қилиш ҳақида / 1095-ҳадис

1095 - وَعَنْ بُرَيْدَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «الْعَهْدُ الَّذِي بَيْنَنَا وَبَيْنَهُمُ الصَّلَاةُ، فَمَنْ تَرَكَهَا فَقَدْ كَفَرَ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَقَالَ: حَدِيثٌ حَسَنٌ صَحِيحٌ [2621].

1095. Бурайда розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Биз билан уларнинг (мунофиқларнинг) орасидаги фарқ намоздир. Бас, кимки уни тарк қилса, батаҳқиқ кофир ҳолича қолибди», дедилар».

Имом Термизий ривоят қилиб, ҳасан, саҳиҳ ҳадис, дедилар.

Шарҳ: Намозни адо қилиш амр этилган оятлар ва ҳадиси шарифлар жуда кўп бўлиб, уларни кўриб, эшитиб билмаганликка олувчи мусулмонларга Пайғамбаримиздан кўплаб огоҳлантиришлар ривоят қилинган. Улардан бирида Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг: “Биз билан улар орасидаги аҳд намоздир”, деган сўзлари айтилади.

Ушбу ҳадиси шарифда мусулмон киши билан Ислолда бўлмаган одамнинг фарқи намоз ўқишда экани таъкидланяпти. Чунки намоз Илом дини арконларининг Аллоҳ таолога иймон келтиришдан кейинги асосий қисмидир. Мазҳаб уламолари намозни тарк қилувчининг ҳукми ҳақида бир неча хил сўз айтганлар. Уларнинг энг энгилида намознинг фарзлиги эътироф этилган ҳолда, дангасалик сабабли наъмоз ўқимайдиган одам фосиқ экани айтилган ва бунга ояти карима ва ҳадиси шарифлардан етарлича далиллар келтирилган.

Динимизда намоз ўқиш ана шундай жиддий таъкидланади. Чунки юқорида айтиб ўтганимиз каби, бандани яратган, йўқдан бор қилган, унга ақл неъматини ато этган Аллоҳ таоло Ўзига ибодат қилишга, намоз ўқишга буюрган.

Намозни Аллоҳ таоло Исро кечаси Пайғамбаримиз меърожга чиққанларида фарз қилган. Анас розияллоҳу анҳу бундай дейди: «Исро кечаси Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламга Аллоҳ таоло тарафидан эллик вақт намоз ўқиш фарз қилинди. Сўнгра камайтирилиб-камайтирилиб, беш вақт бўлди. Сўнг нидо қилиниб: “Эй Мухаммад, Менинг ҳузуримдаги гаплар ўзгармас, сенга мана шу беш вақт намоз билан эллик вақт намоз савоби берилади”, дейилди».

Бу ҳадиси шарифда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан Аллоҳ таоло ўртасида Исро кечаси меърожда бўлиб ўтган воқеа ҳикоя қилиняпти. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга эллик вақт намоз фарз қилинганида, у зот ҳазрат Мусо алайҳиссалом тавсияси билан Аллоҳ таолога: “Менинг умматларим бунга тоқат қилолмайди”, деб беш вақт бўлгунга қадар қайта-қайта мурожаат этганлар.

Намоз мўминнинг меърожидир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Бандадан қиёмат куни сўраладиган нарсаларнинг энг биринчиси намоздир. Агар у тўғри бўлса, қолганлари ҳам тўғри бўлади. Агар у бузилса, бошқалари ҳам бузилади”, деганлар. Пайғамбаримиз саҳобаларини доимо намоз ўқишга буюрар эдилар, ҳатто жон бериш арафаси – сўнгги нафасларида ҳам “намозни, намозни... (сақланг...)”, деб такрор-такрор айтганлар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бундай марҳамат қиладилар: “Ким намозни доимо сақласа, қиёмат кунида унга нур, ҳужжат ва нажот бўлади. Ким уни сақламаса, унга нур ҳам, ҳужжат ҳам, нажот ҳам йўқдир. (Бундай одам) Қиёмат кунида Қорун, Фиръавн ва Ҳомонлар билан бирга бўлади”, деганлар.

Намозни тарк қилишнинг қўрқинчли оқибатлари ҳақида инсониятнинг энг ростгўйи бўлмиш Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бизларга шунча хавф-хатарлар ҳақида айтиб кетган бўлсалар-у, биз яна сусткашлик қиламизми, ёки “намоз ўқимасам ҳам бўлаверади”, деб ўзимизни овутаамизми?

Намозни тарк қилиш у ёқда турсин, ҳатто уни ўз вақтидан кечиктирмаслик ҳақида ҳам бир қанча оят ва ҳадислар мавжуд. Жумладан, Қуръони каримда бундай дейилади:

Яъни: “Сўнгра уларнинг ортидан намозни зое қилган ва шахватларга эргашган кимсалар ўрин олдилар. Энди улар, албатта, ёмонликка (ёмон жазога) йўлиқурлар” (Марям сураси, 59-оят). Яна:

“Бас, шундай намозхонлар ҳолига войки, улар намозларини “унутиб” қўядилар” (Моъун сураси, 4-5-оятлар).

Шунинг билан бирга, намозни Аллоҳ таолога ихлос билан, чин қалб ила адо қилиш ҳам буюрилади. Қуръони каримда:

“Мўминлар нажот топдилар. Улар намозларида ўзларини камтар тутувчидирлар...” (Муъминун сураси, 1-2-оятлар) дейилади.

Ушбу ояти каримада нажот топувчи мўминларнинг бир қанча сифатлари баён қилинган. Энг аввало, намозларини хушу билан ўқишлари, тавозе ва камтарлик билан туришлари айtilган.

Абдуллоҳ ибн Ашъас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда бундай дейилади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам рукуъни мукаммал қилмасдан, саждани “чўқилаб” бажараётган намоз ўқувчи бир кишини кўриб қолдилар ва “Агар бу киши мана шу ҳолатида ўлса, Муҳаммад уммати амалларидан бошқа нарса устида ўлган бўлади”, дедилар ва “Рукусини мукаммал қилмайдиган, саждасини “чўқилайдиган” одамнинг мисоли хурмодан бир-икки еб, ҳеч тўймайдиган оч одамга ўхшайди”, дедилар.

Бундан ташқари, намозни жамоат билан ўқишга ҳаракат қилиш керак. Чунки Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам марҳамат қиладилар: “Кишининг жамоат билан адо қилган намози унинг уйида ё бозорда адо қилган намозидан кўра йигирма беш баробар устун бўлади. Чунки у таҳорат қилса ва уни чиройли бажарса, сўнг фақат намоз ўқиш ниятида масжидга чиқса, ташлаган ҳар бир қадами туфайли унинг даражаси кўтарилади ва хатолари ўчирилади...”

Юқоридагилардан хулоса қилган ҳолда айтамыз, ҳар бир одам намозни доимо ўз вақтида, хушу ва хузу билан, иложи борича жамоатда адо этиб бориши керак.

Манба: hadis.islom.uz

